

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

«Тасдиқлайман»
Педагогика факультети декани
_____ доц. Б.Иманов
«_____» _____ 2009 йил

***«Фольклор муסיқа ўқитиш
методикаси»***

фанидан ўқув методик мажмуа

Билим соҳаси 100000
Таълим соҳаси 140000

Таълим йўналиши- 5141000 Муסיқий таълим

Тузувчи:

к.ўқит. С.Қурбонов

Термиз-2010 йил

Сўз боши

Халқ оғзаки ижоди-фольклор термини инглизча folk-халқ ва loge-донолик сўзларидан ясалган бўлиб, халқ донишмандлиги, донолиги, хунармандлиги, санъаткорлиги маъноларини англатади. Қадимги илк икшилар ёзувни билмаган замонларда ўз фикрларини оғзаки баён этганлар. Шундан уларнинг оғзаки бадий ижоди пайдо бўлган. У ўзига хос хусусиятларга эга бўлган сўз санъати бўлиб, унинг барча намуналари жонли ижро жараёнидагина яшайди. Шунинг учун сўз ва куй омухталиги устун бўлса, айримларида саҳна санъати ҳаракатлари устун туради. Фольклор барча санъат турлари кўринишларини ўзига мужассамлаштирган. Фольклорнинг бир талай намуналари сўз ва куй уйғунлигида ижро этилади. Достон ва термаларни дўмбира жўрлигида куйлаш анъанавий бўлса, кўшиқлар дутор ва доира жўрлигида, чоғучилар ансамбли жўрлигида куйланган. Бошқа бир фольклор асарларида сўз етакчи ўринни эгаллайди. Эртақ, афсона, ривоят, лоф, нақл, латифа, топишмоқ ва мақол жанрлари шундай характерга эга.

Фольклор уруғ, қабила, элат ёки халқнинг миллий оғзаки бадий ижодиёти бўлиб, ўша қабила, уруғ, элат, халқ ёки миллатнинг мафкураси ва психологиясини акс эттиради. Унда воқеликни ифодалашнинг достон, эртақ, мақол, кўшиқ, топишмоқ сингари хилма-хил жанрлари шаклланган. Халқ оғзаки бадий ижоди асарлари узоқ муддатли ижодий жараёнда, оғиздан-оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб юзага келади ва яшайди, уларнинг аниқ бир муаллифи номаълумдир. Шунини айтиш ўринлики, фольклор мусиқа санъати қадим замонларда жамоанинг оммавий ижоди сифатида юзага келиб, унинг илк намуналари жамоа ижросига мўлжалланган. ўша даврларда яқка ижрочилар жамоа ижрочиларидан ажралиб чиқмаган эди. Бироқ давр ўтиши билан, ижрочилик маҳоратлари ошиши билан жамоалар орасидан яқка ижрочилар ажралиб чиқа бошладилар.

I-1. Фаннинг мақсад-вазифалари.

Фольклор мусиқа санъати ўқитиш услубиятини ўрганиш талабаларда миллий мусиқага муҳаббат уйғотади. Унинг асосий мақсади фольклор мусиқа ижрочилигининг тараққий этган тури ҳисобланган кўшиқ куйлашга кўникма ҳосил қилади ва ўзбек кўшиқчилиқ саънатининг яратилиши, мумтоз мусиқанинг пайдо бўлишини ўргатади. Фольклор мусиқа ўқитиш методикаси амалиёти курсида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ҳар хил жанрдаги услуби ва мазмуни жиҳатидан фарқ қилувчи фольклор мусиқа асарларини ўрганиш асосида миллий, фольклор мусиқага муҳаббат руҳида тарбиялаш ва мусиқавий дунёқарашни шакллантириш.

2. Талабаларда мумтоз, фольклор мусиқага муҳаббат уйғотиш, уларда фольклор мусиқа ижрочилигининг кенг тарқалган жанри ҳисобланган фольклор кўшиқлар куйлаш малакасини ҳосил қилиш.

3. Талабаларда фольклор жамоаларида жамоа билан биргаликда куйлаш малакаларини ҳосил қилиш, бунда мусиқий ижрочилик укувини ривожлантириш, усул туйғуси ритминини ва мусиқавий хотирасини ўстира билиш.;

4. Фольклор мусиқа асарларини онгли равишда бадий жихатдан юксак савияда ижро эта олиш малакаларини шакллантириш.

5. Фольклор кўшиқларни куйлашда қарсақлар ва сахна ҳаракатларини ўзлаштиришга эришиш;

6. Сахнага чиқиш жараёнида фольклор мусиқа асарларини мукаммал ритуал рақс, қарсақлар, завқ-шафқ берувчи овозлар орқали ижрочилик малакаларини ўзлаштириш.

1-2. Талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар

1. Ижрочининг мусиқавий куйлаш ва сахна ҳаракатлари қобилиятларини диққат билан ўрганиб чиқиб, репертуар танлаш;

2. Ижрочининг миллий фольклор рақсларига иштиёқи ва қобилиятини аниқлаш, нутқ малакасини ошириб бориш ва ижро эркинлигини таъминловчи машғулотларни олиб боришни тўғри режалаштириш;

3. Фольклор мусиқа асарлари репертуари, хонандалар таркибининг мусиқавий ижро тайёргарлигига, ижрочиларнинг малака ва тажрибасига қараб, қурсларига мослаб енгил ёки мураккаб асарлар танлаш;

4. Фольклор мусиқа асарларини тик туриб, ўтириб, қарсақ чалиб ва ритуал рақс орқали ижро этганда қоматни эркин ҳолатда тутиш, бутун гавда ҳаракатчан ва фаол, мимика-юз кўриниши эса ижро этиладиган асар характерига мос равишда маъноли, ифодали бўлиши лозимлигини билиш;

5. Нафасдан тўғри фойдаланишда, бир вақтнинг ўзида рақс ҳаракатлари, қарсақ чалиш орқали фольклор мусиқа асарларини ижро этиш, нафас олиш йўллари мукаммал ўзлаштиришни талаб қилади. Шунинг учун ижрочилик нафас типини барқарор этиш лозим. Жамоа бўлиб куйлаганда мусиқа жумласига муваффақ ҳамма бир вақтда шовқинсиз, чаққон ва нафис олишга эришишни мукаммал ўрганиш;

6. Товуш ҳосил қилишда товуш таянчини сезган ҳолда табиий ва ёқимли товуш чиқариш. Товушнинг равон кўйилишига эришиш. Юмшоқ ва қаттиқ, ҳаяжонли товушлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш. Ундош товушларни қисқа ва юмшоқ талаффуз этган ҳолда, унли товушларни равон, майин куйлаш. Фольклор мусиқа асарларини ижро этаётганда гавда, бош, қўл ва оёқ ҳаракатларининг эркинлиги ва чаққонлиги, ишончлилигига эришиш.

7. Талаффуз фольклор кўшиқларини ижро этишда алоҳида ўрин тутати. Талаффузнинг эркинлиги, ёрқин ва ифодалилиги, мазмундорлиги, жамоа ижросининг эшитилиш аниқлигига эришиш. Ижро этилаётган асар-кўшиқнинг сўзларини тингловчиларга аниқ етказиб бериш воситаси талаффуз дейилади. Аниқ сўз талаффузига эришиш эса артикуляция аппарати-тил, лаблар, танглай, тишлар, жағларнинг фаолиятига боғлиқ эканлигини англаш.

8. Овоз қизитиш машқларини тўғри ва мукаммал бажаришни ўрганиш. Бунда:

-Машқларни бутун гуруҳ ёки алоҳида овоз турлари бўйича кичик гуруҳлар билан ишлаш;

-Маълум унли товушлар, бўғинлар ва сўзлар ёрдамида иш олиб бориш;

-Турли товуш йўналишларида ҳар хил услублардан фойдаланиш;

-Турли динамик суръат услубида иш олиб бориш;

- Айрим фольклор кўшиқлари бўлакчаларидан фойдаланиб ишлаш;
- Диапазоннинг маълум қисмида кенгайтириб иш олиб бориш.

1-3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Фольклор мусиқа ўқитиш методикаси фанини ўрганиш давомида мусиқа жанрининг энг оммавий тури ҳисобланиши вокал санъатини ҳам ўрганиш жуда муҳим ва ўринлидир. Чунки вокал асослари фанини ўрганишда талаба хонандаларда куйлаш кўникмалари ҳосил қилинади ва кўшиқ куйлаш ижро малакалари шакллантирилади. Бундан ташқари «Анъанавий кўшиқ ва маком асослари» фани ҳам фольклор мусиқа билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки бу ҳар иккала фаннинг ҳам илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Уларни ўрганиш орқали талаба аждодларимизнинг қадимий, мусиқа санъати, урф-одатлари, миллий қадриятларини ўрганади. Шу билан бир қаторда хор ва хоршунослик, сольфеджио, мусиқа тарихи, мусиқа назарияси, мусиқа ўқитиш методикаси, гармония фанларини ўрганишни талаб этади. Зеро фольклор кўшиқларни куйлаш мусиқа ижрочилигининг мураккаб жанрларидан ҳисобланади.

1-4. Фаннинг мазмуни

Инсон онгининг мусаффолиги, жамиятнинг етуклиги, шахс маънавият дунёсининг бойлигини таъминлашда фольклор мусиқанинг аҳамияти жуда каттадир. Шунинг учун ҳам фольклор мусиқа санъатини ўрганиш талабаларда миллий қадриятлар ҳисобланиш минг йиллик тарихга эга бўлган урф-одатлар, удумлар, маросимларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳурмат уйғотади. Фольклор мусиқа санъати, фольклор этнографик ансамбллари, халқ удумлари, урф-одатлар, мавсумий маросимлар анъанавийлиги, турли-туман ҳодисаларни табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатишига интилиши билан ижтимоий ҳаётда катта ўрин тутди. Маросимларни ўтказиш пайтида ижро этиладиган кўшиқ ва айтимлар маросимлар фольклорини ташкил этади.

Инсоният маънавий дунёсининг бойлигини таъминлашда ва таърифлашда фольклор мусиқа санъатининг ва ҳозирги вақтда фольклор этнографик ансамбллариининг роли ва аҳамияти жуда каттадир. Тарихий, илмий ва адабий асарлар муаллифлари турли мақсадларда баъзан ўзгартирилган ва қайта ишланган шаклда, кўп ҳолларда эса, мазмунан баён тарзида фольклор намуналарига мурожаат этганлар. Қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлари турли-туман урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, шунингдек ёзма тош битиклар давридан бошланган бу жараён адабиёт ва санъатнинг тарихий ривожланиш характери билан боғлиқ ҳолда турлича мазмун ва шаклларда бизнинг кунларимизгача давом этиб келмоқда.

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган удум ва маросимларни халққа олиб чиқиб, яна уларни замонавий талқинда намоий этишга фольклор санъати ва унинг туганмас меросидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек фольклори хилма-хил шакллардан таркиб топган оғзаки сўз санъати бўлиб, ўзбек халқининг дунёқараши, бадиий завқи, ижодий салоҳияти, орзу ва интилишларини акс эттиради.

Фольклор мусиқа ўқитиш методикаси фанини ўрганиш орқали талаба қадимий урф-одатларимиз, удумларимиз, меҳнат-маросим қўшиқлари ва куйларига ҳавас, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияланади ва миллий мусиқа санъатимизни чуқур, мукаммал ўрганади.

***I-5. «Фолкълор-мусиқа ўқитиш методикаси» фани бўйича рейтинг
ишланмаси***

№	Мавзулар	Бажариладиган масалалар	Со ат
1	«Ҳалинчак» қўшиғи	Қадимдан қизлар, ёш келинчаклар боғдаги катта дарахтлар шохига ҳалинчак илиб, тўпланишиб, келинчакни учириб, шу аснода қўшиқ	2

		куйлашиб, қўшиқда дард ва хурсандчиликларини баён этганар	
2	Овоз машқлари	Бунда қўшиқ куйлашдан олдин талабалар овози 10-15 дақиқа давомида ҳар хил машқлар орқали қизитиб олинади	2
3	«Лолажон» қўшиғи	Қизлар баҳорда далалаларга чиқиб лола қизғалдоқ сайли ўтказганлар. Қўшиқда қизлар ўзини лола қиёслаб куйлайдилар ва ритуал рақслар ижро этадилар	2
4	«Ха дўрси» қўшиғи	Қўшиқ узумни эзиб, сувини ажратиб олиш ва ундан шинни тайёрлаш жараёнига бағишланади. Бу маросим билан асосан хотин-қизлар шуғулланганлар. Шунинг учун сўзларда токнинг танасини белларига, новдасини билакларига менгзаганлар	2
5	«Хай ёр-ёр қўшиғи»	Қўшиқни қадимда асосан эркаклар базм уюштириб жўр бўлиб, қарсак чалиб куйлаганлар, ҳар куплетини бошқа-бошқалар куйлаб, нақоратини жўр бўлиб ижро этганлар.	2
6	«Хўп майда» қўшиғи	Ғалагов қўшиқлари туркумидан, ғаллани ўриб олиб, хирмон қилиб, хўкизларни бир-бирига тамғаб сомонни янчиганлар. Узоқ ва зерикарли ишда албатта қўшиқ хиргойи қилганлар. Майдаё қўшиғи шу меҳнат маросими туфайли яратилган.	4
7	«Наврўз мубарокбоди» қўшиғи	Қиш ўтиб, эриётган қорлар орасидан бойчечаклар ниш уриб, баҳор бошланишидан дарак берган бир маҳалда Ёшлар далаларга чиқиб, бойчечаклар териб, деҳқон, чўпон, боғбонларни ишга чорлаб айтган қўшиқлари	4
8	«Шохмойлар» қўшиғи	Меҳнат-маросим қўшиқлари туркумидан. Эрта баҳорда қишлоқ аҳли далага чиқиб, хўкизларни тайёрлаб, қишлоқнинг энг кекса одами хўкизларни шохига мой суртиб, бўйнига тумор тақиб дуога қўл очган. Барча одамлар дуо қилгандан кейин қўшни хўкизларга қўшиб, ер ҳайдашни бошлаганлар. қўшиқ ана шу маросимга бағишланган.	
9	«Лолачага ишим бор» қўшиғи	Эркаклар ҳазил мутоиба қўшиғи. Тўй маросимида улфатлар энг бўйи паст дўстларини ўртага олиб, атрофида қарсак чалиб қўшиқ куйлаганлар. Ўртада кичкина тиззалаб ўтириб рақсга тушган.	4
10	«Зухра хола» қўшиғи	Меҳнат маросим қўшиқлари туркумидан. Ҳашарчилар ғалла ўриб, чарчаб тушликка чиққунича Зухра хола уларга овқат пиширган. Қўшиқ куйловчилар ошпазга тегажоқлик қилиб	4

		куйлаганлар. Ошпаз хола уларга жавоб куплетларни куйлаб турган	
11	Саҳна ҳаракатлари	Фольклор кўшиқларда саҳна ҳаракати ҳам асосий вазифани бажаради. Бунда гавда, кўл, оёқ, бош ҳаракатлари эркин, енгил ва куйчан бўлиши лозим. Ҳар бир ҳаракат кўшиқ тематикасига мос бўлиши талаб этилади.	2
12	Ритуал рақслар	Меҳнат маросимлар: ер хайдаш, ўрим ўриш, сомон янчиш, сигир-қўйларни соғиш кабиларни саҳнада ижрочилар томонидан саҳна атрибутлари орқали рақсда намоён этишлари	4
13	«Тандиринг дан янгажон» кўшиғи	Нон ёпаётган янгага қайноғалар тегажқлик қилиб, ритуал рақсга тушиб куйлаган кўшиқлари. Нақоратни йигитлар хор бўлиб куйлашади. Янга уларга қарата соло куйлайди.	4
14	«Тулки тўйи» ритуал	Ёзнинг чилласида бемаҳал ёмғир ёққанда, ҳалқимиз «тулки тўй» қилаяпти-дейишган. Кўшиқни бир хонанда куйлайди. Нақоратида эса бутун жамоа жўр бўлади. Солист ритуал рақс ижро этади.	4
15	«Ўрмак» кўшиқлари	Қадимдан момоларимиз ип игириб чарх ишлатганлар. Ўрмак тўқиб, гиламлар тўқиганлар. Бу кўл ҳунармандлиги ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган. Кўшиқда шу жараён ритуал ҳаракатлар орқали намоёниш этилади.	4
16	«Тул бобо» кўшиғи	Ота, ўғил, эна ўртасидаги муносабатлар ҳажвий намоён бўлади	4
Жами			52

«Фольклор мусиқа» ўқитиш методикаси» фани бўйича рейтинг назорат жадвали

№	Ўқитилдиган машғулотлар мавзуси	Жами	Маъруза	Амалий	Семинар	Мустиқл иш	Рейтинг назорати		
							Ж.6	О.6	Я.6
1	Овоз созлаш машқлари	4		2		2			
2	«Ҳалинчак» кўшиғини ўрганиш	4		2		2			

3	«Лолажон» кўшиғини ўрганиш	4		2		2	20		
4	«Ҳа дўрси» кўшиғини ўрганиш	4		2		2			
5	«Ҳай ёр-ёр» кўшиғини ўрганиш	4		2		2			
6	«Хўп майда» кўшиғини ўрганиш	6		4		2			
7	«Наврўз муборақбоди» кўшиғи	6		4		2			
8	«Шохмойлар» туркум кўшиқлари	6		4		2	25		
9	«Лолачага ишим бор» кўшиғи	6		4		2			
10	Ошпаз-Зухра хола кўшиғи	6		4		2			
11	Саҳна ҳаракатлари	2				2	20		
12	Ритуал рақслар	6				4	2		
13	«Тандир-янгажон» ритуали	6				4	2		
14	«Тулки тўйи» ритуал рақси	6				4	2	20	
15	«Ўрмак кўшиқлари» Бибигул	6				4	2		
16	«Тулбобо» туркум ритуали	6				4	2		
Жами:		82		30	22	30	85		15

Баҳолаш мезони

Максимал балл-100

Саралаш балл-55

Жорий балл-50

Оралиқ балл-35

Якуний назорат-15

86-100-аъло-5

71-85 балл-яхши-4

55-70 балл-қониқарли-3

0-54-балл-қониқарсиз-2

Ўзбек фолкълорининг жанрлари

Фолкълор асарлари ҳам, барча санъат намуналари каби ўзларининг тузилиши, бадиий хусусиятлари, қўлланиш ўрни ва бажарган вазибаларига кўра муайян жанрларга бўлинади. Жанр ва жанрий хилма-хиллик тушунчалари ҳаётни бадиий тасвирлаш шакллари сифатида жуда узоқ даврлар мобайнида вужудга келган барқарор шакллар бўлиб, у жуда секинлик билан ўзгариб боради. Қадимги грек философи Аристотель, немис философи Гегел рус демократи Белинскийлар бадиий ижоднинг уч тури-эпос, лирика ва драма мавжудлигини эътироф этадилар. Жанр деганда фолкълоршунсликда бадиий шакл типлари-эртак, достон, мақол, лофлар, кўшиқлар тушунилади.

Ўзбек вольклори жанрлари ижодкорлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Топишмоқ, мақол сингари жанрлар оммавий характерга эга бўлса, дoston, оғзаки драма, эртак аския ижроси профессионал тайёргарликни тақозо этади.

Шу сабабли ўзбек фольклорида халқ ижодкорларининг профессионаллашуви ниҳоятда ривожланган бахшилар, эртакчилар, аскиябозлар, қизиқчилар, дорбозлар ижрочилиги ривожланган профессионал санъат ҳисобланади. Ўзбек фольклори жанрлари ижро усуллари, яъни якка ижро, жамоавий ижро, созли ва созсиз ижрога кўра фарқланадилар.

Эртак афсона ва ривоят айтилса «ҳикоя» қилинса, дoston ҳам куйлаш, ҳам айтишга мўлжалланган. Лапар куйлаб ва рақсга тушиб ижро этилса, оғзаки драма сўз ва ҳаракат омукталиги замирида кўрсатишга, намойиш қилишга мўлжалланади. Латифа ва лоф якка ижрода куйланади. Қўшиқнинг шундай турлари борки, якка ижрода, қолганлари жамоа ижросида куйланади. Аския ва оғзаки драма ҳам жамоа ижросига мўлжалланган.

Мақоллар

Мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда тўпланган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир.

Мақол арабча қавлун-гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган бўлиб, айтилиб юриладиган ифода ва ибораларга нисбатан қўлланилади.

Топишмоқлар

Ҳаётни ўзига хос бадий идрок этиш шакли бўлган топишмоқ фольклорнинг оммавий жанрларидан биридир. Шакли, вазифаси, иш ҳаракати ва ҳолати жиҳатидан бир-бирига ўхшаш икки предмет нарса ва ҳодисадан жумбоқланиб, иккинчисига хос ўхшаш белгилар асосида уни топишга мўлжаллаб шеърӣ ёки насрий тузилишда берилган савол ёки топшириқ «топишмоқ» деб юритилади.

Олқишлар

Олқиш-туркий тилларда мақташ, шарафлаш, яхши истаклар тилаш, руҳини кўтариш ва яхшилик сари даъват этиш каби маъноларни англатиб шарафламоқ, юксакликка кўтармоқ. Мақтанмоқ маъноларини англатувчи қадимги туркий ал феъли ўзагига-қи буйруқ майли ҳамда-(а) ш ҳаракат номи қўшимчаларининг қўшилишидан ясалган.

Ўзбек халқ олқишлари ижро ўрни, вазифаси ва поэтик табиатига кўра икки қисмга: 1-кундалик маиший олқишлари ижро ўрни, вазифаси ва поэтик табиатига кўра икки қисмга: 1-кундалик маиший олқишлар, 2-анъанавий маросимлар таркибида ижро этилувчи олқишларга бўлинади.

Маросим фольклори

Инсонга сихат-саломаткли тилаш, унинг турмушида тўкин-сокинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини

қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага кириб қолган ҳатти-ҳаракатлар маросим дейилади. Маросимни ўтказиш пайтида ижро этиладиган кўшиқ ва айтимлар маросим фольклорини ташкил этади.

Баҳорги мавсум билан боғлиқ маросимлар

Мавсумий маросимлар йилнинг тўрт фаслига оид халқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан алоқадордир. Баҳор кириши билан деҳқон ва чорвадорнинг дала ишлари бошланади. Деҳқон уруғ сепишга тайёргарлик кўриш, ариқларни ковлаш билан шуғулланса, чорвадор яйловларга кўчишга тайёргарлик кўради. Деҳқон ва чорвадор турмушидаги барча оғир юмушлар илгари ҳашар йўли билан амалга оширилган. Баҳорги мавсумий маросимларга «Шох мойлар», «Наврўзи олам», «Ёмғир чақириш», «Суст хотин» маросимлари киради.

Ёзги маросимлар

Кишиларнинг хўжалик фаолиятида ёз фаслининг ўрни алоҳидадир. Шунга қараб ушбу фаслда ўтказиладиган маросимлар ранг-баранг бўлган. Бироқ ўзбек маросим фольклорида ҳозирга қадар атиги битта жанр сақланиб қолган. Ёзги маросимлар фольклоридан фақат шамол тўхтатиш билан боғлиқ айрим жанрлар сақланган. Булар «Чой момо» маросимида ижро этиладиган кўшиқлардан иборат.

Кузги маросимлар фольклори

Куз фаслида деҳқон ёз бўйи қилинган меҳнатининг самарасини йиғиштириб олади, чорвадор эса қишлоғга ем-ҳашак, озуқа тайёрлайди. Кузги маросимларга «Обло барака», «Шамол чақириш», «Мирҳайдар бобо», «Галагов», «Хўп майда» маросим кўшиқлари киради.

Қишки маросимлар фольклори

Ўзбек халқ фольклорида қишки маросимлардан фақатгина «Гап-гаштак» ва «Яс-сун» маросимларгина сақланиб қолган. «Гап-гаштак» маросими эркаклар томонидан маҳалладаги чойхона ёки бирор хонадонда ўтказилади. «Яс-сун» маросими асосан кўчманчи чорвадорлар ўртасида қимизхўрлик маросими сифатида юзага келган бўлиб, унинг маъноси даврада ўтириш қоидалари демакдир.

Оилавий миший маросимлар фольклори

Маросим фольклорининг катта қисмини ташкил этади. Инсоннинг туғилишидан тортиб то вафотигача бўлган ҳаёти бевосита оила даврасида кечади ва бундай маросимлар туркуми оилавий-миший маросимлар деб юритилади. Оилавий-миший маросимларига «Тўй маросимлари фольклори», «Бешик тўйлари фольклори» «Хатна суннат тўйлари фольклори», «Никоҳ тўйлари фольклори», «Мотам маросими фольклори» ва бошқалар киради.

Қўшиқлар

Қўшиқ-туркий қўшмоқ феълининг ўзагидан ясалган бўлиб, мисрага мисрани қўшиб куйлаш, айтиш маъноларини ангалатади. Қўшиқлар халқ маънавиятининг қудратини, халқ иродасининг букилмаслигини ифодалаб, кишиларни руҳан тетикликка, жасоратга, меҳнатсеварлик ва элпарварликка, ватанпарварлик ва дўстликка, севгига садоқатга чорлайди. Қўшиқда ишқ-муҳаббат куйланса, бундай қўшиқлар «лирик қўшиқлар» деб аталади.

Меҳнат қўшиқлари

Қўшиқ меҳнат жараёнида ишлаётганлар томонидан ижро этилиб, мазмунан меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлса, бундай қўшиқлар « меҳнат қўшиқлари» деб аталади. Меҳнат қўшиқлари ранг-баранг жанрлардан ташкил топган бўлиб, уларни бир туркум доирасида ушлаб турувчи бир неча хусусиятлар мавжуд. Ўзбек меҳнат қўшиқлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади. Улар:

1. ***Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар.***
2. ***Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар.***
3. ***Хунарамандчилик билан боғлиқ қўшиқлар.***

1. Дехқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқларига «Қўш қўшиқлари», «Ўрим қўшиқлари», «Янчик қўшиқлари», «Ёрғучок» қўшиқлари киради.
2. Чорвачилик билан боғлиқ бўлган меҳнат қўшиқларига «Хўш-хўшлар», «Турей-турей» қўшиқлари, «Чурия»лар киради.
3. Хунарамандчилик билан алоқадор меҳнат қўшиқларига «Чарх қўшиқлари», «Бўзчи қўшиқлари», ўрмак қўшиқлари», «Кашта қўшиқлари» киради.

Термалар

Терма ўзбек фольклорининг мустақил жанри бўлиб, унинг яратилишида бахшиларнинг роли ниҳоятда каттадир. Кўпчилик ҳолларда улар дostonчиларнинг индивидуал ижоди ҳисобланади. Панд-насихат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар шахс ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишланган, бахшилар томонидан куйланадиган 10-12 сатрдан 150-200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лиро-эпик шеърларга «терма» дейилади.

Афсоналар

Афсона ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни ҳаёлий уйдирмалар асосида ҳикоя қилади. У кишиларнинг табиат ҳодисалари ва

ижтимоий воқеаларни билиш ва тушунишга бўлган интилишлари жараёнида вужудга келган. Афсона форсча сўздан олинган бўлиб, фантастика, сеҳр-жоду ҳамда ҳаётий уйдирмаларга асос бўлган насрий ҳикояларни билдиради.

Ривоятлар

Ривоят ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанрларидан биридир. Уларда тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган воқеалар, кишилар турмуши, географик жойлар-саҳро, кўл, чўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, қалъа, сарой ва бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилиниши ҳақида ҳикоя қилинади. Ривоятларда лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишқ ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби илғор ғоялар зулм ва зўрлик, хавфсизлик ва адолатсизлик сингари иллатларга қарама-қарши қўйилади.

Нақллар

Нақл термини Яқин ва ўрта шарқ халқлари орасида «*Зарбулмасал*» деб юритилган ва у рамзий ҳикоя маъносида қўлланган. Ўзбекистонда эса «Зарбулмасал» ўрнида, асосан, нақл термини қўлланилади. Нақл-ахлоқий норма ҳамда одоб ҳақида юзага келган фикрларни изоҳловчи таълимий характердаги маъжозий ҳикоядир. Ўзбек халқ нақлларида «Ҳар ким қилса ўзига», «Одам одам билан тирик», Кўрпангга қараб оёқ узат», «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига», «Қаққиллаши бизникида, тухум қўйиши қўшниникида», «Бугунги жаҳлни эртага қўй», Кўрмаганнинг кўргани курсин» кабилар халқ орасида кенг тарқалган.

Эртаклар

Эртак халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, оммавий жанрларидан бири бўлиб, унинг пайдо бўлишида қадимий урф-одат, маросимлар ва мифлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Эртак термини Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк асарида «этуқ» шаклида учрайди ва бирор воқеани ағзаки ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Ҳозир фольклоршуносликда эртак атамаси қабул этилган бўлсада, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанда, Фарғона ўзбекларида «матал» деб ҳам юритилади. Бухоро атрофидаги қишлоқларда «ушук» Хоразмда «варсақи», «Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида «Чўпчак» термини ҳам ишлатилади. Ўзбеклар орасида эртак, ушук, матал, чўпчак терминлари билан бир қаторда ҳикоя, афсона, ўтирик, тутал каби атамалар ҳам учрайди.

Латифалар

Латифа-оғзаки насрнинг маълум ва машҳур жанраларидан бири, у ҳажман кичик, мазмунан лўнда ифодаловчи бир ёки икки эпизоддан ташкил топган бўлиб, асосида ўткир ҳажв ёхуд енгил юмор ётади.

Танқид ёки юмор эса сўз ўйини, турли хилдаги қочиримлар воситасида юзага келади ва фош этувчи ҳушчақчақ кулгии яратади. Латифа термини

арабча латиф ва лутф сўзларидан олинган бўлиб, нозик, кўп маъноли сўз, майин киноя, қочиримлардан иборат бўлган кулгили ҳикояни англатади. Латифа жанрининг ўзига хос томони асарларнинг ягона қаҳрамони-Насриддин Афанди образи билан боғлиқлигида кўзга ташланади. Бу образ кўпроқ «Насриддин афанди», «Хўжа Насриддин», «Мулло Насриддин» ва ниҳоят «афанди» сингари атамалар билан юритилади.

Лофлар

Лоф-ўзбек халқ прозасининг мустақил жанрларидан бири бўлиб, ўзининг тузилиши ҳажв ҳамда юморга асосланиши билан латифа ва аския жанрларига яқин туради. Шунинг учун ҳам у ёки бу лофбознинг сўзга чечанлиги, зукколик ва ҳозиржавоблик фазилати мазкур жанрнинг ташкил топишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Лоф жанри асосан, қизиқчи ва аскиябозлар орасида шаклланган ва ижро этилган. Ҳар бир лофда нотабиий воқеалар, салбий белгилар кулги остига олинади. Лоф айтиш муболағали эпизодга мантикий жавоб қайтариш, сўзга чечанлик мусобақаси шаклида ўтади.

Достонлар

Достон ўзбек фольклорининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан биридир. Унинг яратилиши халқимизнинг маънавий маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлокий-эстетик карашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан боғлиқдир.

Достон сўзи, қисса, ҳикоя, срагузашт, таъриф ва мактов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу атама халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабёитдаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Фольклоршуносларнинг таъкидлашича, достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон бўлиши учун адабий текст, мусиқа бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур.

Достонларни ижрочилари ва яратувчилари бахшилардир. Достонларни ижрочилари ва яратувчилари бахшилардир. Достонларга «Достонларга «Қаҳрамонлик достонлари», «Романтик достонлар», «Маиший-романтик достонлар», «Тарихий достонлар» киради.

Оғзаки драма

Оғзаки драма-халқ ижодининг мустақил тури бўлиб, унинг маъноси халқ орасида оғзаки тўқилган саҳнавий асарлар намоишини англатади. У жуда қадим замонларда вужудга келган ва ҳозирга қадар халқ онги ахлокий нормалари, бадиий идроки ва эстетик дидини тарбиялашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Турли хил ўйин-кулгилар, драматик ҳолатлар, ҳар хил қиёфага киришлар монолог ва диалоглар, саҳна ҳаракатлари ва овоз оҳанглари оғзаки драманинг жанр белгилари ҳисобланади.

Аския

Аския-ўзбек халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри бўлиб, асосан, тўй-томоша, йиғинлар ва сайловларда ижро этилади. Аския арабча «закий» сўзидан олинган бўлиб, сўзамол, заковатли, ўткир зехнли деган маъноларни англатади. Закий сўзининг кўпчилик шакли азкиё бу кейинчалик талаффузда ўзгариб, аския шаклига келиб қолган. Аския ижрочилари аскиябоз, аскиячи деб юритилади. Аскиячилар тарафма-тараф бўлиб олиб, кочирим сўзлар билан аския бошлайдилар, тингловчилар эса у ёки бу томоннинг сўзга чечанлиги, ҳозиржавоблигидан мамнун бўлиб кузатадилар. Томонлардан бири устун келганда, кулги қаҳқаҳага айланади.

Назарий маишулотларда ўтиладиган мавзулардан тавсиялар

- 1.Ўзбек халқ оғзаки ижоди, фольклор мусиқа санъати тўғрисида умумий тушунчалар.
- 2.Ўзбек фольклор мусиқа санъатининг ўрганилиш тарихи
- 3.Ўзбекистонда фольклор мусиқа санъати намуналарини тўплаш ва ноталаштириш
- 4.Фольклор мусиқа санъати жанрлари тўғрисида
- 5.Фольклор мусиқа санъатида оилавий мавсумий кўшиқлар.
- 6.Маросим кўшиқларининг тарбиявий аҳамияти.
- 7.Меҳнат-маросим кўшиқлари
- 8.«Ўрим-янчим» кўшиқлари
- 9.Фольклор мусиқа санъатида бахшичилик
- 10.Фольклор мусиқа санъатида чорвачилик кўшиқлари
- 11.Халқ оғзаки ижодида дostonчилик
- 12.Фольклорнинг афсона, ривоят, нақл, мақол, топишмоқ, эртақ, лоф ва латифа жанрлари
- 13.Фольклор мусиқа ўқитишнинг мақсад ва вазифалари
- 14.Фольклор мусиқа ўқитишнинг услубий кўрсатмалари
- 15.Болалар фольклор мусиқа санъати
- 16.Фольклор мусиқа санъатида оилавий-мавсумий кўшиқлар
- 17.Фольклор-этнографик халқ ансамбллари
- 18.Болалар фольклор дostonлари
- 19.Фольклор мусиқа санъати мустақиллик йилларида
- 20.Сурхондарёда фаолият олиб бораётган халқ фольклор жамоалари.

Фанга оид ўз-ўзини текшириш юзасидан

Саволлар

1. Фольклор атамасининг маъноси нима?
2. Меҳнат-маросим кўшиқлари нима?
3. Маъиший маросимларни таърифланг?
4. Оилавий маъросимларни таърифланг
5. Мақоллар нима? уни таърифланг.
6. Олқишлар нима? уни таърифланг.
7. Қарғишлар нима? уни таърифланг.

8. Маросим фольклори деб нимага айтилади?
9. Афсона нима
10. Ривоят нима?
11. Эртақлар нима?
12. Латифалар нима?
13. Лофлар нима?
14. Достонлар нима?
15. Бахшичиликни таърифланг.
16. Оғзаки драма нима?
17. Аския санъати нима?
18. Этнография атамаси нимани ангалатади?
19. Болалар фольклорини таърифланг
20. Баҳорги мавсум билан боғлиқ маросимларга кирадиган маросимларни таърифланг
21. Шохмойлар маросими қандай кечади?
22. Наврўз маросими нима?
23. «Суст хотин» қўшиғи қайси маросимга оид?
24. Ёзги маросим фольклорига нималар киради?
25. Кузги маросим фольклорига нималар киради?
26. Қишки фольклорига нималар киради?
27. Меҳнат қўшиқларига нималар киради?
28. Қўш қўшиқларига мисоллар келтиринг
29. Янчим қўшиқлари нима?
30. Ёрғучоқ қўшиқлари нима?
31. «Турей-турей» қўшиқлари нима?
32. Ҳунрамандчиликка алоқадор меҳнат қўшиқлари нима?
33. Лирик қўшиқлар нима?

**«Фольклор музика ўқитиш методикаси» фанидан
баҳолаш сўров ишланмаси**

№	Назорат турлари	Сўров сони	Балл	Жами
1.	Жорий балл			
	1.1. Амалий машғулотлар			
	Ж.н. Баҳолаш амалий-Асар куйлаш	1	20	20
	Ж.н. Баҳолаш амалий-Ритуал қўшиқ	1	25	25
	Ж.н. Баҳолаш амалий-сахна ҳаракати	1	20	20
	Ж.н. Баҳолаш амалий-Ритуал рақс	1	20	20
2	Якуний балл			
	2.1 Якуний баҳолаш (4 та оғзаки савол ва 1 та фольклор қўшиқ куйлаш)	1	15	15
		5	100	100

Баҳолаш мезони:

- 1.1. Талабаларга жорий баҳолаш бўйича амалий машғулотдан 4 та сўров ўтказилади, унинг ҳар бир сўровини тўла бажарган талабага жавобнинг сифатига қараб 20-17-14 балл берилади. Агар тўла бўлмаса бажариш даражасига қараб 10-12 балл берилади;
- 1.2. Талабаларга мустақил равишда Ж.Б. учун уйга вазифа сифатида ўрганишга тавсия қилинган мавзунинг бажарилишига ҳажми ва сифатига қараб 17-20 баллдан берилади. Талабалар Ж.Б. да синов-сўровларига ҳам жавоб бериб борадилар. Ҳар бир савол-жавобларига ва амалий куйлаш малакасига қараб баҳоланади.
- Агар савол ва куйлаш малакалари яхши ва аниқ бўлса 20 балл;
 - Агар савол ва куйлаш малакалари тўла ўзлаштирилмаган бўлса-17-14 балл;
 - Савол ёки куйлашнинг бириси бажарилган бўлса, аммо камчиликлар бўлса 14-13 балл;
2. Якуний баҳолаш оғзаки савол-жавоб ва куйлаш. Берилган қўшиқни куйлаб бериш тариқасида ўтказилади. 4 та оғзаки савол берилиб, ҳар бир саволдаги тўғри жавоб 1,5 баллдан баҳоланади. Куйлаш малакасига қараб 9-10 баллга қадар баҳоланади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитланиб олинади.

Фан бўйича тест саволлари

1. Фольклор атамасининг маъноси нима?

- А. Ҳалқ донишмандлиги
- Б. Халқ донолиги
- С. Халқ ҳунармандчилиги
- Д. Халқ санъаткорлиги

2. «Яли-яли» халқ қўшиғининг мусиқа муаллифи ким?

- А. Мухтор Ашрафий
- Б. Тўхтасин Жалилов
- С. Манас Левиёв
- Д. Сулаймон Юдаков

3. «Моҳи Ситора» халқ фольклор ансамбли қайси вилоятда?

- А. Самарқанд
- Б. Жиззах
- С. Бухоро
- Д. Тошкент

4. «Турей-турей» қўшиқлари қайси гуруҳга киради?

- А. меҳнат-маросим қўшиқлари
- Б. Ўрим қўшиқлари
- С. Соғим қўшиқлари
- Д. Янчим қўшиқлари

5. Ҳар бир октавада нечта товуш бор?

- А. 7 та
- Б. 8 та
- С. 10 та
- Д. 12 та

6. Саккиз кишилик куйлаш нима деб аталади?

- А. Квинтет
- Б. Септилгент
- С. Дуэт
- Д. Октавит

7. Бир хил баландликдаги ноталарни бирлаштирувчи чизик нима деб аталади?

- А. фермато
- Б. Лига
- С. Ҳисса
- Д. Шакл

8.«Бешқарсак фольклор»-этнографик халқ ансамли қайси вилоятда?

- А. Сирдарё
- Б. Қашқадарё
- С. Самарқанд
- Д. Тошкент

9. «Суст хотин» қўшиғи қайси мавсум маросими?

- А. Ёзги маросим
- Б. Кузги маросим
- С. Қишки маросим
- Д.Баҳорги маросим

10. «Хўп майда» қўшиғи қайси мавсумий маросимга киради?

- А. Баҳорги мавсум
- Б. Ёзги мавсум
- С. Кузги мавсум
- Д. Қишки мавсум

11. Етти кишилик куйлаш нима деб аталади?

- А. Дуэт
- Б. Трио
- С. Септимент
- Д. Квинтет

12. Вокал нима?

- А. чолғу чалиш
- Б. Тўрсиз хор

- С. кўшиқ куйлаш
- Д. Мақом куйлаш

13. «Тўрғай» фольклор этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Бухоро вилояти
- Б. Хоразм вилояти
- С. Сурхондарё вилояти
- Д. Тошкент вилояти

14. «Шохмойлар» қайси маросим кўшиқларига киради?

- А. Оилавий маиший
- Б. Меҳнат маросим
- С. Халқ ўйинлари
- Д. Ёзги мавсум маросимлари

15. Кетма-кет келадиган товушлар тузими нима деб аталади?

- А. Темп
- Б. Ритм
- С. Пауза
- Д. Такт

16. Стаккато нима?

- А. Товушни чўзиб куйлаш
- Б. Товушни жарангдор куйлаш
- С. Товушни паст куйлаш
- Д. Товушларни қисқа-қисқа, паузалар биилан куйлаш

17. «Гаштак» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Тошкент вилоятида.
- Б. Бухоро вилоятида
- С. Сирдарё вилоятида
- Д. Жиззах вилоятида

18. «Дон сепдим» кўшиғи қайси мавсумий маросим?

- А. Қишки мавсум маросими
- Б. Баҳорги мавсумий маросим
- С. Ёзги мавсумий маросим
- Д. Кузги мавсумий маросим

19. Уч ҳиссали ритм нима деб аталади?

- А. квинтал
- Б. Септал
- С. Триол
- Д. Дуол

20. «Бўстон» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Андижон вилоятида
- Б. Хоразм вилоятида
- С. Сурхондарё вилоятида
- Д. Наманган вилоятида

21. «Хўш-хўшлар» қайси қўшиқлар туркумига киради?

- А. Ўрим қўшиқлари
- Б. Янчим қўшиқлари
- С. Соғим қўшиқлари
- Д. Меҳнат қўшиқлари

22. «Чодир жамол» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Фарғона вилоятида
- Б. Наманган вилоятида
- С. Андижон вилоятида
- Д. Тошкент вилоятида

23. Мусиқада ҳаммаси бўлиб нечта октава мавжуд?

- А. 4 та
- Б. 7 та
- С. 9 та
- Д. 11 та

24. «Чавқи» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Хоразм
- Б. Наманган
- С. Бухоро
- Д. Самарқанд

25. «Мустаҳзод» қўшиғи мусиқа муаллифи ким?

- А. Ботир Умиджонов
- Б. Муҳаммаджон Мирзаев
- С. Юнус Ражабий
- Д. Сулаймон Юдаков

26. «Оразибон» фольклор этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Бухоро
- Б. Самарқанд
- С. Фарғона
- Д. Хоразм

27. «Тановар» қайси воҳа мусиқасига мансуб?

- А. Фарғона
- Б. Сурхондарё
- С. Бухоро
- Д. Хоразм

28. «Самарқанд ушшоғи» қўшиғининг бастакори ким?

- А. Комилжон Отаниёзов
- Б Орифхон Хатамов
- С. Комилжон Отаниёзов
- Д. Хожи Абдулазиз Расулов

29.«Булбулигўё» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А.Қашқадарё
- Б. Бухоро
- С. Самарқанд
- Д. Сурхондарё

30. «Эй сабо» қўшиғи кимнинг муסיқий асари?

- А. Дони Зокиров
- Б. Фаттоҳ Назаров
- С. Ботир Умиджонов
- Д.Юнус Ражабий

31. «Зевари» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А.Андижон
- Б.Бухоро
- С.Сурхондарё
- Д.Хоразм

32. «Яли-яли» халқ қўшиғининг дирижёрлик ўлчами?

- А. 6/8
- Б. 2/4
- С. 3/4
- Д. 4/4

33.«Момагул» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Фарғона
- Б. Қашқадарё
- С. Тошкент
- Д.Бухоро

34. «Кескан терак» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Фарғона
- Б. Қашқадарё
- С. Тошкент
- Д.Бухоро

35. «Омонёр» фольклор-этнографик халқ ансамбли қайси вилоятда?

- А. Фарғон
- Б. Наманган.

С. Хоразм
Д. Навоий

36. «Яку-як» қўшиғи қайси ансамбл репертуаридан?

А. Лазги
Б. Мохиситора
С.Бойсун
Д.Чавқи

Фойдаланилган адабиётлар

1. Х.Зарифов «Ўзбек фольклористикаси тарихи» Тошкент Фан. 1970;
2. Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов. «Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди». Тошкент Ўқитувчи 1990 йил;
3. О.Собиров. «Ўзбек фольклори очерки». Тошкент Фан 1971 йил;
4. С.Қосимов « Ўзбек фольклор очерки» Тошкент. Фан, 1988 йил;
5. Б.Саримсоқов « Олқиш ва қарғишлар» Тошкент Фан 1988 йил;
6. М.Алавия «Ўзбек халқ қўшиқлари». Тошкент Фан. 1959 йил;
7. К.Имомов «Ўзбек халқ оғзаки прозаси». Тошкент, Фан, 1981 йил;
8. /Жаҳонгиров. «Ўзбек болалар фольклори» Тошкент Фан 1974 йил;
9. О.Сафаров «Ўзбек болалар поэтик фольклори». Тошкент ФАН 1983 йил;
10. С.Йўлдошева, Г.Сатторова «Фольклор-этнографик ансамбллари. Тошкент-Ўқитувчи 2007 йил;

